

Ўзбекистон Республикаси номидан Ҳ У К М

2025 йил январь ойининг 13 куни жиноят ишлари бўйича Янгиқўрғон туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг раиси 1, судья ёрдамчиси 2нинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Янгиқўрғон туман прокурорининг ёрдамчиси П, судланувчи ХХХ ва унинг адвокати А.Ахмедов иштирокида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисми ва 28,211-моддаси 1-қисми билан айбланган ХХХга оид 1-1612-*/**-сонли жиноят ишини кўриб чиқди, иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи **ХХХ (ХХХ)**, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, мавсумий ишчи, Навбаҳор кўчаси 35-уйда истиқомат қилади, жиноят иш бўйича муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган.

Суд судланувчи, гувоҳнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара, судланувчиларнинг музокара ва охириги сўзларини тинглаб, ишдаги далилларни текшириб, муҳокама қилиб, баҳолаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи ХХХ ўзганинг мулкани алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида 2024 йилнинг январь ойида Ж.Ибрагимов (дастлабки тергов органи томонидан Ж.Ибрагимов оид жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси, 5-қисми, 2-бандига асосан тугатилган)га Янгиқўрғон тумани "Ғалаба" МФЙ ҳудудида жойлашган, давлат кадастрлари палатаси Наманган вилояти бошқармаси Янгиқўрғон туман филиалининг 26.08.2024 йилдаги маълумотномасига кўра қишлоқ хўжалиги фойдаланишида бўлган ер майдонлари тоифасида турувчи ер майдонини ўзига тегишли эканлигини айтиб 2.000 АҚШ доллари (24.836.000 сўм)га сотиб, ушбу ер майдонини ҳужжатини қилиш учун олдиндан 400 АҚШ доллари (4.964.000 сўм) миқдоридаги пулларни олиб, ушбу пуллар эвазига, пора бериш орқали Янгиқўрғон туман ҳокимиятида ишловчи тергов давомида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган шахс орқали қарор чиқартириб беришлигини айтиб, жами бўлиб Ж.Ибрагимовдан 2000 АҚШ долларини олиб, мазкур пул маблағларини ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Судда сўралган судланувчи ХХХ айбига тўлиқ иқдор бўлиб, Янгиқўрғон тумани "Ғалаба" МФЙда жойлашган ер майдонини 2024 йил 23 январь куни Ж.Ибрагимовга оғзаки равишда келишиб, 2.000 АҚШ



долларига сотганини, ерни хужжатлаштириб беришини айтганини, Янгиқўрғон туман ҳокимятга бориб у ерда ишловчи шахсга бўлган ҳолатни айтиб қарор чиқариш кераклигини айтганини, сўнг орадан маълум вақт ўтгандан сўнг ҳокимятда ишловчи шахс Ж.Ибрагимовни номига чиққан қарорни берганини, қарорни олиб Ж.Ибрагимовга берганини, кейинчалик билса мазкур ер қишлоқ хўжалиги ери эканлигини, 400 АҚШ долларини ҳокимятда ишловчи шахсга берганини, бундан Ж.Ибрагимовни хабари бўлганини, жами бўлиб Ж.Ибрагимовдан 2000 АҚШ доллари олганини, дастлабки тергов даврида 2000 АҚШ долларини Ж.Ибрагимовга қайтарганини, қилган ишидан пушаймондалигини, суддан қонуний енгиллик берилишини сўраб кўрсатув берди.

Судда сўралган гувоҳ Ж.Ибрагимов ҳақиқатан ҳам 2024 йил тахминан январь ойларида ўғли М.Тўхтабоев унга “Телеграмм” ижтимоий тармоғидаги бир гуруҳда сотиладиган ер бор эканлигини айтиб расмларини кўрсатганини, эълон орқали телефон қилса, ХХХ телефонни кўтариб жойни кўрсатишини айтганини, сўнг ХХХ билан ерни тепасига бориб, ўша ерда 8 сотих ер майдонини ўзаро келишиб, 2.000 АҚШ долларига барака қилиб, пуллари икки-уч кундан кейин унинг номимга қарор чиқаргандан кейин беришини айтганини, Янгиқўрғон туман ҳокимати орқали хужжатни қилиш учун 400 АҚШ доллари олганини, орадан 3-4 кун вақт ўтиб, номига қилинган қарорни кўтариб келиб, қарор тайёр бўлганлигини айтганини, жами бўлиб ХХХга 2000 АҚШ долларини берганини, орадан икки ой вақт ўтиб, сотиб олган ер майдонига борса, бетон қуйиб қўйилган эканлигини кўрганини, ким қуйганлигини сўраса, Янгиқўрғон тумани, Исковот қишлоғида яшовчи “Лутфулло” исмли шахс эканлиги маълум бўлганини, кейин бу ҳақида ХХХга айтса, мазкур масалани ҳал қилиб беришини айтиб ҳал қилиб бермганини, сўнг мазкур ҳолат юзасидан Янгиқўрғон туман ИИБга ариза билан мурожаат қилганини, тергов даврида ХХХ 2000 АҚШ долларини қайтариб берганини баён қилиб кўрсатув берди.

Судда сўралган гувоҳ Аҳад Ҳакимов 2018 йилда укаси Ҳакимов Абдулхай унга ХХХга ер майдони кўрсатиб қўйишлигини айтганини, шу сабабли у кўрсатган жойни ХХХга кўрсатиб қўйганини, сўнг ХХХга Янгиқўрғон туман ҳоқимининг 30.09.2019 йилдаги 6117-сонли Қорорида Саттаров Умиджон Абдуқаххорович номига 6-контурдан 0,8 сутих ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиш тўғрисида қарори чиққан эканлигини, дастлаб ХХХга ажратилган ерни бошқа шахсга тегишли дея ҳозир эгалик қилган жойни кўрсатиб қўйганини, барчасини укаси Абдулхай Ҳакимов айтгани сабабли ҳам кўрсатганини, моддий манфатдорлиги бўлмаганини, кейинчалик билса ХХХ мазкур ерни бошқа шахсга сотиб юборган эканлигини, 2024 йилнинг январь ойида ХХХ билан Янгиқўрғон тумани ҳоқимлигига келганларида Ж.Асадуллаев ҳам автомашинасида келганини, ХХХ эса автомашинадан тушиб Ж.Асадуллаевдан қандайдир хужжатларни олганини, у автомашинага келиб Ж.Асадуллаевдан қарорни олдим деб айтганини, сўнг автомашинага



чиқиб уйга қайтиб кетганларини баён қилиб кўрсатув берди.

Судланувчи ХХХ судда айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, унинг айби судда сўралган гувоҳларнинг кўрсатувлари, жиноят ишидаги ариза, тушунтириш хатлари, юзлаштириш баённомалари, Ж.Ибрагимов томонидан 2000 АҚШ долларини ХХХдан қайтариб олганлиги ҳақидаги тилхатни нусхаси, 6117-сонли қарор ҳамда жиноят ишидаги тўпланган бошқа объектив далиллар билан исботланган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи ХХХ томонидан содир қилинган жиноятни юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг жиноий хатти-ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси 1-қисми ва 168-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги, шунингдек 29-моддасида ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилинади. Давлат жабрланганларга ҳимояланишни ва одил судловдан фойдаланишни таъминлайди, уларга етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун шарт-шароитлар яратишлиги қайд этилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасида жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан узалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши, 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги, 42-моддасида Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар тарафидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида “судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозим”лиги, Қарорнинг 3-бандида “Жиноят Кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд Ўзбекистон Республикаси Конституциясиси, юқоридаги Пленум



қарори талабларига риоя қилган ҳолда, судланувчи ХХХга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, унинг айбига тўлиқ иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, айбини оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблаб, у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини, хусусиятини ва келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиб, унинг шахсини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддасини 1-қисми билан қонун санкцияси доирасида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ва ЖКнинг 28,211-моддаси 1-қисми билан озодликни чеклаш жазосини тайинлашни ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддаларига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун озодликни чеклаш жазосини тайинлашни лозим топади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 19-сонли қарорининг 16-бандида пора берувчиларни порада товламачилик ёки пора берганлик тўғрисида ўттиз сутка мобайнида ихтиёрий ариза бериш асосларига кўра жиноий жавобгарликдан озод этиш бу шахсларнинг ҳаракатларида жиноят таркиби йўқлигини билдирмайди (ЖКнинг 211, 212-моддаларига изоҳ). Шу сабабли улар жабрланувчи деб топилмайди ва пора тариқасида берилган бойликларни қайтариб олишни талаб қилишга ҳақли эмаслар. Шу қарорнинг 17-бандида “Агар жабрланувчи пора талаб қилинганлиги ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилган бўлиб, тезкор тадбир давомида жабрланувчининг мулкидан пора предмети тариқасида фойдаланилган бўлса, ушбу мулк Ўзбекистон Республикаси ЖПК 211-моддасининг 4-бандига асосан жабрланувчига қайтарилиши лозим, бошқа ҳолатларда пора предмети суд ҳукми билан давлат эгалигига ўтказилади” деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, суд судланувчи ХХХ томонидан 12.11.2024 йилда Ж.Ибрагимовга қайтарилган 2000 АҚШ долларини (13.01.2025 йилда 1 АҚШ доллари 12.957 сўмни ташкил қилган), яъни 25.914.000 сўмни пора предмети тариқасида Ж.Ибрагимовдан давлат даромадига ундиришни ҳамда дасталбки тергов органининг Ж.Ибрагимовни жабрланувчи деб топиш ҳақидаги қарорини бекор қилишни лозим топади.

Суд ашёвий далил сифатида эътироф этилган Ж.Ибрагимов томонидан 2000 АҚШ долларини ХХХдан қайтариб олганлиги ҳақидаги тилхатнинг нусхасини ва Янгиқўрғон туман ҳокимининг 6117-сонли қарорини жиноят иши билан бирга сақлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 471-473-моддаларини қўллаб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Судланувчи ХХХ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисмида ва 28,211-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни



содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи ХХХга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси 1-қисми билан 2 йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи ХХХга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиб, ўташ учун узил кесил 2 йил 1 ой озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи ХХХни яшаш жойидан яъни, Янгиқўрғон тумани, “Галаба” МФЙ, Навбахор кўчаси 35-уйдан ишлаш ёки ўқиш вақтидан, шунингдек иш ёки ўқиш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқиши чеклансин.

Судланувчи ХХХ зиммасига қуйидаги қўшимча тақиқлар юклансин:

-ички ишлар органлари Пробация бўлимининг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

-Наманган вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик юклансин.

Тайинланган озодликни чеклаш жазосини ижро этиш Янгиқўрғон тумани ИИБ Пробация гуруҳи томонидан амалга оширилсин.

Тайинланган озодликни чеклаш жазосини муддати маҳкум Янгиқўрғон туман ИИБ Пробация гуруҳига ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи ХХХга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ж.Ибрагимовдан 25.914.000 сўм пора предмети тариқасида давлат даромадига ундирилсин.

Ашёвий далил сифатида эътироф этилган Ж.Ибрагимов томонидан 2000 АҚШ долларини ХХХдан қайтариб олганлиги ҳақидаги тилхатнинг нусхаси ва Янгиқўрғон туман ҳокимининг 6117-сонли қарори жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилингандан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Наманган вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят беришлари, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи:

Нусха аслига тўғри

1

